

Ҳиндистонда «Занипур» номли мажмуа қурилади



09:30 / 22.12.2020 1883

Ҳиндистондаги Ёдиянинг Зенипур минтақасида қурилиши режалаштирилган «Бабри» масжидини алмаштириш бўйича таклиф қилинган режа эълон қилинди. Бу ҳақда Times of India нашри хабар берди.

Янги қуриладиган мажмуада масжиддан ташқари 200 ўринли шифохона, музей ва архив маркази, кутубхона ва ошхона бунёд этилади.

Ҳинд-исломий маданият маркази ушбу исломий мажмуанинг илк пойдевори 26 январь куни (Ҳиндистон Республикаси кунига тўғри келадиган) қўйилишини эълон қилди.

«Занипур» деб номланган ушбу масжид 1700 квадрат метр майдонни ташкил қилади. У «Бабри» масжидидан каттароқ ва унинг дизайни ҳам

аввалги масжиддан фарқ қилади. Шунингдек, Ёдия масжиди 2000 кишининг ибодат қилиш имкониятига эга бўлади.

Image not found or type unknown





Image not found or type unknown



Мажмуа лойиҳасини тuzган Деҳли Архитектура мактаби раҳбари С.М.Ахтар ушбу бинони ҳинду-исломий меъморчилик услубида қурилишини айтиб ўтди. Бундан кўзланган мақсад, Ёдиядаги турли жамоалар ўртасида алоқаларни кенгайтириш назарда тутилган.

Image not found or type unknown



Хуршид Маъруф тайёрлади